


РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги



"ТАСДИҚЛАНГАН"
Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi "SEAL
MAG" qo'shma korxonasi
Акциядорларининг умумий йиғилиши
2015 йил 18 декабрдаги
№2 сонли баённомаси



**AKSIYADORLIK JAMIYATI SHAKLIDAGI
"SEAL MAG"
QO'SHMA KORXONASI
USTABI
(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

МУНДАРИЖА

1. МОДДА	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.	3
1.1 Қисм	Ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати.	3
1.2 Қисм	Жамиятнинг номланиши.	3
1.3 Қисм	Манзил.	4
1.4 Қисм	Жамият идентификацияси.	4
1.5 Қисм	Жавобгарлик.	4
1.6 Қисм	Атамалар.	4
1.7 Қисм	Талкин қилиш.	5
2. МОДДА	ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ.	6
2.1 Қисм	Мақсад.	6
2.2 Қисм	Фаолият предмети.	6
2.3 Қисм	Предмет ва мақсадга эришиш.	6
2.4 Қисм	Жамият ваколатлари.	7
3. МОДДА	УСТАВ ФОНДИ.	8
3.1 Қисм	Устав фонди таркиби.	8
3.2 Қисм	Устав фонди микдори.	8
3.3 Қисм	Акциялар.	8
3.4 Қисм	Акциядорлар Реестри.	8
3.5 Қисм	Акциядорларнинг Устав фондидаги улуши.	9
3.6 Қисм	Устав фондини кўпайтириш.	10
3.7 Қисм	Устав фондини камайтириш.	10
4. МОДДА	ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ФОНДЛАРИ	11
4.1 Қисм	Захира фонди.	11
4.2 Қисм	Бошқа фондлар.	11
4.3 Қисм	Ишлатиш.	11
5. МОДДА	АКЦИЯДОРЛАР ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.	11
5.1 Қисм	Хуқуқлар.	11
5.2 Қисм	Мажбуриятлар.	12
6. МОДДА	ДИВИДЕНД ТЎЛАШ.	13
6.1 Қисм	Дивиденд.	13
6.2 Қисм	Дивиденд олиш ҳуқуқини бермайдиган Акциялар.	13
6.3 Қисм	Дивиденд тўлаш муддатлари.	13
6.4 Қисм	Дивиденд тўлаш тартиби.	13
7. МОДДА	АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ, СОТИШ ВА ЧЕКЛОВЛАР	14
7.1 Қисм	Акцияларни жойлаштириш тартиби.	14
7.2 Қисм	Акцияларни сотиш.	14
7.3 Қисм	Чекловлар.	15
7.4 Қисм	Кириш ҳужжатлари.	15
7.5 Қисм	Хуқуқларни ўтказиш.	15
8. МОДДА	БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ	15
8.1 Қисм	Ҳисобот тамойиллари.	15
8.2 Қисм	Молиявий маълумотлар ва аудитор текширувлари.	15
8.3 Қисм	Йиллик ҳисобот, Молиявий режа ва Бизнес режа.	16
8.4 Қисм	Мустақил аудиторлар.	16
8.5 Қисм	Молиявий йил.	17
8.6 Қисм	Тил.	17

9. МОДДА	ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ	17
9.1 Қисм	Бошқарув оргалари.	17
10. МОДДА	АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.	17
10.1 Қисм	Навбатдаги (йиллик) ва навбатдан ташқари йиғилишлар.	17
10.2 Қисм	Билдириш. Кун тартиби.	18
10.3 Қисм	Кворум ва Акциядорларнинг иштироки.	18
10.4 Қисм	Овоз бериш.	19
10.5 Қисм	Йиғилиш Раиси. Баённома.	19
10.6 Қисм	Қарор қабул қилиш тартиби.	19
10.7 Қисм	Саноқ комиссияси.	20
10.8 Қисм	Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатлари.	20
10.9 Қисм	Ҳуқуқларни ўтказиш.	21
11. МОДДА	КУЗАТУВ КЕНГАШИ	22
11.1 Қисм	Навбатдаги (йиллик) ва навбатдан ташқари мажлислар.	22
11.2 Қисм	Билдириш. Кун тартиби.	22
11.3 Қисм	Кворум ва аъзоларнинг мажлисда катнашиши.	22
11.4 Қисм	Таркиби ва сайлаш.	23
11.5 Қисм	Кузатув кенгаши раиси.	23
11.6 Қисм	Тўловлар.	23
11.7 Қисм	Овоз бериш ва қарор қабул қилиш тартиби.	23
11.8 Қисм	Ваколатлар ва вазифалар.	24
11.9 Қисм	Ҳуқуқларни ўтказиш.	25
11.10 Қисм	Махсус комиссиялар.	25
11.11 Қисм	Ҳисоботлар.	25
12. МОДДА	ИЖРОИЯ ОРГАН	26
12.1 Қисм	Умумий қоидалар.	26
12.2 Қисм	Таркиби, тайинлаш ва ваколатлар муддати.	26
12.3 Қисм	Тўловлар.	26
12.4 Қисм	Бошқарув мажлислари.	26
12.5 Қисм	Бошқарув Раиси, унинг ваколатлари ва мажбуриятлари.	27
12.6 Қисм	Бошқарув ишини ташкил этиш, ваколатлари ва вазифалари.	27
13. МОДДА	ТАФТИШЧИ	29
13.1 Қисм	Умумий қоидалар.	29
13.2 Қисм	Ваколатлар ва вазифалар.	29
13.3 Қисм	Аудит.	29
13.4 Қисм	Ҳисобот ва хулосалар.	29
13.5 Қисм	Акциядорлар Умумий йиғилишини чақириш.	30
13.6 Қисм	Ҳақ тўлаш.	30
14. МОДДА	ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ.	30
14.1 Қисм	Умумий қоидалар.	30
14.2 Қисм	Ваколатлар ва вазифалар.	30
15. МОДДА	ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ	30
15.1 Қисм	Қайта ташкил этиш.	30
15.2 Қисм	Жамиятни тугатиш..	30
15.3 Қисм	Устав ва ҳуқуқлар.	31
16. МОДДА	БОШҚА ҚОИДАЛАР.	31
16.1 Қисм	Бўлинувчанлик.	31
16.2 Қисм	Тил.	31

1. МОДДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1 Қисм Ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати.

- (а) Бундан буён матнда «Жамият» деб юритилган Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi "SEAL MAG" qo'shma korxonasi, 19 апрель 2005 йилдаги таъсисчилар умумий йиғилишининг қарорига асосан Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "SEAL MAG" Қушма корхонасини қайта ташкил этиш йули билан ташкил этилган.
- (б) Жамият, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14 ноябрь 2002 йилда №106 сон билан руйхатдан ўтказилган Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "SEAL MAG" Қушма корхонасининг ҳуқуқий вояси ҳисобланади.
- (в) Жамият, акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган мустақил юридик шахсдир, ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомлар ва мазкур Уставга асосан олиб боради.
- (г) Жамиятни ташкил этишда, мазкур Уставни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда, Жамият Акциядорлари, 29 июнь 2002 йилдаги 115667 операция рақам остида Акциядорлар уртасида тузилган Акциядорлар Келишуви ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа норматив ҳужжатлар қоидаларига риоя қилинган.
- (д) Жамият, Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда тегишли чет давлат қонунчилигига мувофиқ тарзда ўз филиалларини, ваколатхоналарини, шўба корхоналарини ва бошқа тобе компанияларни ташкил этиш ҳуқуқига эгадир. Жамиятга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ҳамда алоҳида юридик шахс ҳисобланган шўба корхоналар, Жамият мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, ва, бундай шахслар устав фондига келишилган миқдорда бадаллар киритиш шarti билан Жамият уларнинг қарзлари ва мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида ҳамда тегишли чет давлат қонунчилигида талаб қилинган ёки бундай шахслар таъсис ҳужжатларида бошқача белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- (е) Жамият ўзининг бошқарув тизимини, қарорлар қабул қилиш тартибини, маркетинг сиёсатини, нарх-наво сиёсатини, иш ҳақи ҳамда дивидендлар тўлаш сиёсатини, шунингдек, ўз иш фаолияти ва ички бошқарувига боғлиқ бўлган бошқа барча жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда, мустақил равишда белгилайди.

1.2 Қисм Жамиятнинг номланиши.

Жамиятнинг тўлиқ расмий фирма номи куйидагича:

- ўзбек тилида: Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi "SEAL MAG" qo'shma korxonasi;
- рус тилида: Совместное предприятие в форме акционерного общества "SEAL MAG"; ва
- инглиз тилида: Joint Stock Company Joint Venture "SEAL MAG"

Жамиятнинг қисқартирилган расмий фирма номи куйидагича:

- ўзбек тилида: AJ "SEAL MAG" QK;
- рус тилида: СП АО "SEAL MAG"; ва

- инглиз тилида: JSC JV "SEAL MAG"

Жамият ўз фаолиятини фақат ушбу ном остида олиб боради ва барча мажбуриятларни ушбу ном остида ўзига олади.

1.3 Қисм Манзил.

- (а) Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили) қуйидагича: Ўзбекистон Республикаси, 100031, Тошкент ш., Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 6 уй.
- (б) Жамиятнинг электрон почта манзили: info@sealmag.com
- (в) Жамият интернет сайтнинг манзили: www.sealmag.com

1.4 Қисм Жамият идентификацияси.

Жамият ўзининг фирма номи ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга, штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ва бошқа идентификация воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.5 Қисм Жавобгарлик.

- (а) Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки, мулкый ҳуқуқлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига асосан ундирув қаратилиши мумкин бўлган бошқа активлари билан жавобгар бўлади.
- (б) Жамият ўз Акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли Акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.
- (в) Ҳеч бир Акциядор Жамиятга мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга эмас ва Жамият банкрот бўлганида ҳамда Жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, ҳеч бир Акциядор зиммасига Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин эмас.

1.6 Қисм Атамалар.

"Акция"	Жамиятнинг ўз акциясини билдиради ва 3.3 Қисмда ушбу атамага берилган маънога эга;
"Акциядор"	Жамият акцияларига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эгалик қилаётган ҳамда бундай акциялар эгаси сифатида Акциядорлар Реестрида рўйхатга олинган жисмоний ёки юридик шахсни англатади;
"Акциядор вакили"	10.3 Қисмда ушбу атамага берилган маънога эга.
"Акциядорлар Реестри"	3.4 Қисмда кўрсатилган тартибда шакиллантирилган Жамият Акциядорлар Реестрини англатади;
"Акциядорлар Келишуви"	29 июнь 2002 йилдаги 115667 операцион рақам остида Акциядорлар ва Жамият ўртасида тузилган Акциядорлар Келишувини, ва унга вақти-вақти билан киритилган ўзгартиришларни англатади;
"Акциядорлар Умумий йиғилиши"	9.1 Қисмнинг (а) бандида ушбу атамага берилган маънога эга;
"АҚШ Доллари" ёки "USD/\$"	Америка Қўшма Штатларининг қонуний пул бирлигини билдиради;
"Бошқарув"	9.1 Қисмнинг (в) бандида ушбу атамага берилган маънога эга;

"Бошқарув Раиси"	12.1 Қисмда ушбу атамага берилган маънога эга;
"Захира фонди"	4.1 Қисмнинг (а) бандидада ушбу атамага берилган маънога эга;
"Молиявий режа"	8.3 Қисмнинг (а) бандида ушбу атамага берилган маънога эга;
"Йиллик ҳисобот"	8.3 Қисмнинг (а) бандида ушбу атамага берилган маънога эга;
"Кузатув кенгаши"	9.1 Қисмнинг (б) бандида ушбу атамага берилган маънога эга.
"Молиявий йил"	8.5 Қисмда ушбу атамага берилган маънога эга.
"Тафтишчи"	13.1 Қисмнинг (а) бандида ушбу атамага берилган маънога эга.
"Умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойиллари"	Халқаро молия ҳисоби стандартлари Қўмитаси томонидан эълон қилинган ва халқаро миқёсда қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби стандартларини ҳамда, зарурият туғилган ҳолда, изчил тадбиқ этилажак халқаро миқёсда умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини англалади;
"Устав фонди"	Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган Жамият мол-мулкнинг энг кам миқдорини белгилайдиган, таркиби ва миқдори 3. МОДДАДА белгиланган Жамиятнинг устав фондини англади;
"Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги"	Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, Ўзбекистон Республикаси барча қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бевосита амал қиладиган ёки Ўзбекистон Республикасида мажбурий бўлган халқаро битимлар ва келишувлар, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва агентликларининг мажбурий бўлган қарорлари, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимиятлари қарорларини англади.
"Чорак ҳисоботлари"	8.3 Қисмнинг (а) бандида ушбу атамага берилган маънога эга.

1.7 Қисм Талқин қилиш.

- (а) Ушбу Уставда, агар матндан ўзгача маъно келиб чиқмаса, бирликни билдирадиган сўзлар кўпликни ҳам билдиради, ва аксинча;
- (б) Ушбу Устав қисмлари ва моддаларининг матни олдида келтирилган сарлавҳалар фақат қулай бўлиши учун қўлланилган ва ушбу Уставнинг маъносига ёки талқин этилишига таъсир кўрсатмайди. Модда ёки Қисмларга қилинган ҳаволалар ушбу Уставнинг шу Моддалари ва Қисмларига тегишли бўлади.
- (в) Мазкур Уставнинг матнида ишлатилган «жумладан» ёки «шунингдек» сўзлар ҳар бир ҳолатда тегишинча «жумладан, чекланмаган ҳолда» ҳамда «шунингдек, чекланмаган ҳолда» маъноларини билдиради.

2. МОДДА ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ.

2.1 Қисм Мақсад.

Жамият фаолиятининг асосий мақсади Жамият Акциядорларининг молиявий ресурсларини жамлаш, ҳамда ташқи ресурсларни жалб этиш йули билан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва мазкур Устав доирасида молиявий-хужалик фаолиятни амалга ошириш оркали даромад олишдир.

2.2 Қисм Фаолият предмети.

Жамият фаолиятининг асосий предмети аҳоли ва халқ хужалигининг халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқаришга ихтисослашган товарлар ва турли фаолият соҳаларда хизматларга бўлган талабларини қаноатлантиришдир.

2.3 Қисм Предмет ва мақсадга эришиш.

(а) Уз фаолиятининг предмети ва мақсадига эришиш учун Жамият куйидагиларни амалга оширади:

- полиграфия фаолияти;
- нашриёт фаолияти;
- китоб, тасвирий, чипта, этикетка, ўраб-жойлаштириш маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- қатъий ҳисобдаги хужжатлар, бланкалар ва бошқа шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- канцелярия молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- нусха купайтириш, бадиий безак, муҳаррирлик, фоторепродукция ва реклама хизматларини кўрсатиш;
- нашриёт, ўраб-жойлаштириш, ностандард ускуналар, дастурий таъминот ва, компьютерлаштириш соҳаларида янги технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сотиш;
- хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ва ишлаб чиқариш марказлари тармоқларини очиш;
- каттик, юмшок ва вакуум ўраб-жойлаштириш маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- улгуржи савдо фаолияти билан шугулланиш;
- чакана савдо фаолияти билан шугулланиш;
- узининг улгуржи, тижорат, супермаркет, озик-овқат, универсал дуконлар тармоқларини ташкил этиш;
- озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- халқ истеъмол моллари ва ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- автомобилда сахар, сахар атрофи, сахарлараро ва халқаро йуловчи ва юк ташишларни ташкил этиш;
- автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш;
- таъмирлаш, қурилиш, қурилиш-монтаж, сантехника ва авария ишларини, бино ва хоналарнинг дизайни, ишлаб чиқариш, савдо, ва яшаш жойларини капитал таъмирлаш ишларини бажариш;

(б) Жамият, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан тақиқланмаган ҳар қандай бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақли.

(в) Лицензия талаб қилинган фаолият турларини, Жамият тегишли лицензияни олганидан сунг амалга оширишга ҳақли.

2.4 Қисм Жамият ваколатлари.

2.3 Қисмнинг (в) бандида белгиланган чеклашларни инобатга олган ҳолда, Жамият Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан белгиланган тўлиқ ҳажмда қуйидаги ҳуқуқ ва ваколатларга эга:

- (а) Мазкур Уставда кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш;
- (б) Жамиятни ташкил этилиши, таъсис қилиниши, рўйхатдан ўтказилиши, шакллантирилиши билан боғлиқ бўлган ҳамда айтиб ўтилганлардан илгари кўрилган ва қўшимча ҳаражатларнинг барчасини ёки бир қисмини қоплаш;
- (в) жойлашган жойидан қатъий назар, кўчар ва кўчмас мулкларни сотиб олиш, ижарага олиш, бегараз фойдаланиш ва эгаллик қилишга қабул қилиш, бошқа қонуний воситалар ёрдамида олиш, уларга эгаллик қилиш, сақлаш, яхшилаш, фойдаланиш ва уларга нисбатан бошқа ишларни амалга ошириш, шунингдек, бундай мулк ва активларни ёки уларнинг қисмини сотиш, топшириш, ижарага бериш, алмаштириш, ўтказиш ёки бошқа йўллар билан тасарруф этиш;
- (г) оддий ширкатларда иштирок этиш, бошқа хужалик жамиятлар, компаниялар ёки корпорацияларнинг акцияларини, бошқа инвестицияларини ёки улушларини сотиб олиш, сақлаш ва тасарруф этиш;
- (д) тижорат ҳамда иқтисодий фаолиятлар, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш, бу Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ташқарисида тўлиқ ёки қисман олиб борилаётган, ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бирон-бир томон қатнашаётган ҳар қандай иқтисодий фаолиятида ўз аксини топади;
- (е) битимларни амалга ошириш, шартномалар тузиш, ўз зиммасига мажбуриятлар олиш, қарзга пул олиш, ўз корпоратив облигацияларини, ва бошқа қарз мажбуриятларини чекланмаган ҳолда чиқариш, ва мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш учун ўзининг мулкани, ҳуқуқларини ва оладиган даромадини тўлиқ ёки қисман Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида кўрсатилган тартибда гаровга қўйиш, ва ўз ишлари ёки боғлиқ компаниялар мақсадларини ўтказиш, илгари суриш ёки ушбу мақсадларга эришиш учун талаб этилган ёки мутаносиб бўлган кафолат ва қафиллик тўғрисида шартномалар тузиш;
- (ж) Уз ихтиёрига асосан, Кузатув кенгаши аъзоларига, Бошқарув аъзоларига, жумладан Бошқарув Раисига, Тафтишчига ёки Жамият ходимига Жамиятга қабул қилиниши ёки Жамиятда ишлаши натижасида у томонидан олинган вазифаларни қоплаш мақсадида тўлов пулини тўлаш ва уни миқдорини аниқлаш;
- (з) Жамият мақсадларига эришиш учун пулни қарзга бериш, ўз маблағларини инвестиция ёки қайта инвестиция қилиш, ва шу тарзда қарзга берилган ёки инвестиция қилинган маблағларни қайтарилишини таъминлаш учун моддий ва номоддий бўлган кўчар ва кўчмас мулкларни олиш, сақлаш, ушлаб қолиш ёки тасарруф этиш;
- (и) ўз фаолиятини амалга ошириш учун товарлар, жиҳозлар ва хизматларни импорт қилиш;
- (к) етказиб берилган товарлар ҳамда хизматлар нархини мустақил равишда белгилаш;
- (л) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан таъқиқланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида тўғридан-тўғри ёки воситачилар орқали бартер битимларини амалга ошириш;
- (м) Жамият томонидан сотилган ёки бошқача тарзда тасарруф этилган мажбурият ёхуд бирон-бир мулк ёки ҳуқуқлар эвазига тўловларни нақд пул ёки мунтазам равишда амалга ошириладиган тўловлар ёки бошқача тарзда, ёхуд акциялар шаклида, ва, умуман, Жамият томонидан белгилаган ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига зид бўлмаган шартларга асосан қабул қилиш;

- (н) Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги талабларига риоя қилган ҳолда хорижий валютада ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида банк ҳисобларини очиш ва юритиш;
- (о) ҳар қандай давлат ҳудудидаги ваколатли судларда, ҳакамлар муҳокамаларида, трибунал олдида ҳамда одил судловни амалга оширувчи ҳар қандай ваколатли идора олдида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш;
- (п) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда чет эл фуқароларини ишга қабул қилиш, уларнинг иш ҳақи турини ва миқдорини белгилаш;
- (р) Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида ҳар қандай товар белгилари, фирма номлари, хизмат кўрсатиш белгилари, патентлар, ихтиролар, ноу-хау ва интеллектуал мулкнинг ҳар қандай шакллари сўраб олиш, рўйхатдан ўтказиш, сотиб олиш ёки бошқа йўл билан уларга эга бўлиш, сотиш, лицензиялаштириш ёки ўтказиш;
- (с) хайрия, соғлиқни сақлаш, маданият ва фан эҳтиёжлари учун маблағлар ажратиш;
- (т) Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида ваколат берувчи, агент, пудратчи ёки бошқа шахслар сифатида мустақил ёки бошқа шахслар билан биргаликда, ва агентлар, субпудратчилар, шўба корхоналар, филиаллар ҳамда ваколатхоналар орқали ёки бошқа йўл билан ҳаракат қилиш;

3. МОДДА УСТАВ ФОНДИ.

3.1 Қисм Устав фонди таркиби.

Жамиятнинг Устав фонди (устав капитали) Акциядорлар олган Жамият Акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият томонидан чиқариладиган барча Акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши ва 5 000 сумдан юкори бўлмаслиги лозим.

3.2 Қисм Устав фонди миқдори.

Жамият Устав фондининг миқдори 3 752 890 000,0 (уч миллиард етти юз эллик икки миллион саккиз юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади, ва ушбу сумма Жамият Устав фондига хорижий ва миллий валютада пул бадаллари киритилган вақтдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курсини эътиборга олганда 2 247 381,92 (икки миллион икки юз қирқ етти минг уч юз саксон бир) АҚШ Доллари 92 (тўқсон икки) центга тенгдир.

3.3 Қисм Акциялар.

- (а) Жамият Устав фонди, 750 578 (етти юз эллик минг беш юз етмиш саккиз) дона бўлинмайдиган, оддий, эгасининг номи ёзилган, эмиссиявий қимматли қоғоз бўлган акцияларга бўлинади (ҳар бири "Акция"). Ҳар бир Акциянинг номинал қиймати 5 000 (беш минг) сумга тенг.
- (б) Ҳар бир Акция унинг эгасига Акциядорлар Умумий йиғилишида битта овоз ҳуқуқини беради.
- (в) Жамият, Акциядорлар Умумий йиғилишининг 10. МОДДАДА кўрсатилган тартибда қабул қилган тегишли қарори асосида қўшимча Акциялар чиқаришга ҳақли. Агар барча Акциядорлар бошқача келишиб олмаган бўлсалар, бундай қўшимча чиқарилган Акциялар ҳар бир Акциядорга унга тегишли Акциялар миқдорига мутаносиб равишда ушбу Уставнинг 7.1 Қисмининг (г) бандига мувофиқ таклиф қилиниши лозим.

3.4 Қисм Акциядорлар Реестри.

- (а) Жамият Акциядорлар Реестри ("Акциядорлар Реестри") рўйхатдан ўтказилган Акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг

номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир.

(б) Акциядорлар Реестри Жамият ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийи ўртасида тузилган шартнома асосида Акциялар эгаларининг депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра Қимматли қоғозлар марказий депозитарийи томонидан шакллантирилади.

3.5 Қисм Акциядорларнинг Устав фондидаги улуши.

Акциядорларнинг Устав фондидаги улушлари, қуйидагича тақсимланган:

Куйида кўрсатилган Акциядор кейинги уринларда "Чет эллик Акциядор" деб юритилади:

- **Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки ("ЕТТБ")** – Устав фондининг 44,64% ташкил этувчи 335 066 (уч юз ўттиз беш минг олти миш олти) дона Акцияга эга. ЕТТБ эгалигида бўлган Акцияларнинг умумий қиймати 1 675 330 000 (бир миллиард олти юз етмиш беш миллион уч юз ўттиз минг) сўмга тенгдир. Ушбу сумма Жамият Устав фондида умумий миқдори 1 003 286,11 (бир миллион уч минг икки юз саксон олти) АҚШ Доллари 11 (ўн бир) центга тенг бўлиб, шундан Жамият балансида ЕТТБ томонидан бадал киритилган кундаги чет эл валютасига нисбатан расмий курсни ҳисобга олган ҳолда 577 772 (беш юз етмиш етти минг етти юз етмиш икки) АҚШ долларига тенг қисми АҚШ Долларида киритилган ва акс эттирилган, қолган 425 514,11 (тўрт юз йигирма беш минг беш юз ўн тўрт) АҚШ Доллар 11 (ўн бир) центга тенг қисми Акциядор томонидан бадални киритиш санасидаги валютани расмий айирбошлаш курси ҳисобида Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида киритилган ҳисобланади.

Куйида кўрсатилган Акциядорлар кейинги уринларда "Ўзбек Акциядорлар" деб юритилади:

- **Azimov Nigmatulla Kadirovich ("Azimov N. K.")** – Устав фондининг 4,61% ташкил этувчи 34 626 (ўттиз тўрт минг олти юз йигирма олти) дона Акцияга эга. Azimov N. K. эгалигида бўлган Акцияларнинг умумий қиймати 173 130 000 (бир юз етмиш уч миллион бир юз ўттиз минг) сўмга тенгдир. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан Устав фондига бадал киритилган кундаги чет эл валютасига нисбатан ўрнатилган расмий курсни ҳисобга олган ҳолда 103 673,98 (бир юз уч минг олти юз етмиш уч) АҚШ Доллар 98 (тўқсон саккиз) центга тенг.
- **Azimov Shaxriyor G'ayrattilla O'g'li ("Azimov Sh. G'.")** – Устав фондининг 4,61% ташкил этувчи 34 626 (ўттиз тўрт минг олти юз йигирма олти) дона Акцияга эга. Azimov Sh. G'. эгалигида бўлган Акцияларнинг умумий қиймати 173 130 000 (бир юз етмиш уч миллион бир юз ўттиз минг) сўмга тенгдир. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан Устав фондига бадал киритилган кундаги чет эл валютасига нисбатан ўрнатилган расмий курсни ҳисобга олган ҳолда 103 673,98 (бир юз уч минг олти юз етмиш уч) АҚШ Доллар 98 (тўқсон саккиз) центга тенг.
- **Azimova Napisa ("Azimova N.")** – Устав фондининг 4,61% ташкил этувчи 34 626 (ўттиз тўрт минг олти юз йигирма олти) дона Акцияга эга. Azimova N. эгалигида бўлган Акцияларнинг умумий қиймати 173 130 000 (бир юз етмиш уч миллион бир юз ўттиз минг) сўмга тенгдир. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан Устав фондига бадал киритилган кундаги чет эл валютасига нисбатан ўрнатилган расмий курсни ҳисобга олган ҳолда 103 673,98 (бир юз уч минг олти юз етмиш уч) АҚШ Доллар 98 (тўқсон саккиз) центга тенг.
- **Kamilov Bobir Akramovich ("Kamilov B. A.")** – Устав фондининг 20,77% ташкил этувчи 155 846 (бир юз эллик беш минг саккиз юз қирқ олти) дона Акцияга эга. Kamilov B. A. эгалигида бўлган Акцияларнинг умумий қиймати 779 230 000 (етти юз етмиш тўққиз миллион икки юз ўттиз минг) сўмга тенгдир. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан Устав фондига бадал киритилган кундаги чет эл валютасига нисбатан ўрнатилган расмий курсни ҳисобга олган ҳолда

466 622,25 (тўрт юз олтмиш олти минг олти юз йигирма икки) АКШ Доллар 25 (йигирма беш) центга тенг.

- **Kasimxodjayeв Ulugbek Timurovich ("Kasimxodjayeв U. T.")** – Устав фондининг 20,76% ташкил этувчи 155 788 (бир юз эллик беш минг етти юз саксон саккиз) дона Акцияга эга. Kasimxodjayeв U. T. эгалигида бўлган Акцияларнинг умумий киймати 778 940 000 (етти юз етмиш саккиз миллион тўққиз юз қирқ минг) сўмга тенгдир. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан Устав фондига бадал киритилган кундаги чет эл валютасига нисбатан урнатилган расмий курсни ҳисобга олган ҳолда 466 451,60 (тўрт юз олмиш олти минг тўрт юз эллик бир) АКШ Доллар 60 (олтмиш) центга тенг.

3.6 Қисм Устав фондини кўпайтириш.

- (а) Жамиятнинг Устав фонди Акцияларнинг номинал кийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Бунда, кўшимча акциялар фақат эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва мазкур Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- (б) Жамият Акциядорлари, Жамият томонидан кўшимча жойлаштириладиган акцияларни ўзига тегишли Акцияларнинг сонига мутаносиб равишда сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқига эгадирлар.
- (в) Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг, сони, жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига ва ушбу Уставнинг қоидаларига мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун Жамиятнинг кўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.
- (г) Жамият ўз хужалиқ фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарларни қоплаш учун акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

3.7 Қисм Устав фондини камайтириш.

- (а) Жамиятнинг Устав фонди Акцияларнинг номинал кийматини камайтириш ёки Акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, Акцияларнинг бир қисмини кейинчалиқ бекор қилган ҳолда Жамият томонидан Акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. Жамият Акцияларнинг бир қисмини олишга ва уларни кейнчали бекор қилишга ҳақли.
- (б) Жамият Устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондининг мазкур Уставга тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.
- (в) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва мазкур Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- (г) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.
- (д) Устав фондини камайтириш вақтида Жамият тугатилганида назарда тутилмаган Акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.
- (е) Устав фондига киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ушбу Уставга мувофиқ Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан сўнг ва ушбу Уставга киритилган ўзгартиришлар

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан белгиланган муддатлар ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (ёки Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида кўрсатилган бошқа тегишли давлат идорасида) рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга эга бўлади.

4. МОДДА ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ФОНДЛАРИ

4.1 Қисм Захира фонди.

(а) Жамиятда бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кўрилган зарарларни ўрнини қоплаш, корпоратив облигацияларни муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар чиқарилган ҳолларда улар бўйича дивидендлар тўлаш ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда мазкур Уставга мувофиқ Акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларнинг талабига биноан Акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланган. Жамият Устав фондининг ўн беш фоизига тенг бўлган миқдорда Жамият Захира фонди ("Захира фонди") ташкил этилади. Жамиятнинг Захира фонди бошқа мақсадларга ишлатилиши мумкин эмас.

(б) Жамиятнинг Захира фонди ушбу Уставнинг 4.1 Қисмининг (а) бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

4.2 Қисм Бошқа фондлар.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги қоидаларига биноан қабул қилинган қарорига асосан Жамият соф фойдаси ҳисобидан, Жамият фаолияти муваффақиятли олиб борилиши учун керакли ва матлуб бўлган бошқа фондлар ташкил этилиши мумкин. Бошқа фондларни ташкил этиш тугрисидаги Жамият Акциядорлар Умумий йиғилишининг қароридан, бундай фондларни ташкил этиш тартиби, миқдори ва мақсадлари белгиланган бўлиши керак.

4.3 Қисм Ишлатиш.

(а) Жамият Захира фонди ёки бошқа фондларини ишлатиш тартиби Кузатув кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига муносиб равишда белгиланади.

(б) Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда Жамият кўрган зарарлар Захира фонди ҳисобига қопланади, Захира фонди маблағлари етмаган ҳолда кўшимча маблағ Жамиятнинг зарарларни қоплаш мақсадида ташкил этилган бошқа фондларидан олинади. Агар ушбу маблағлар ҳам етарли бўлмаса, Жамият Кузатув Кенгашининг 11.8 Қисмга мувофиқ қабул қилган қарори ёки Акциядорлар Умумий йиғилишининг ўз ваколатлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги доирасида қабул қилган қарорига асосан қарз олиши мумкин.

5. МОДДА АКЦИЯДОРЛАР ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 Қисм Ҳуқуқлар.

Жамият Акциядори қуйидагиларга ҳақли:

(а) Жамият Акциядорлар реестрига киритишни талаб қилиш ва киритилиш;

(б) Инвестиция воситачисидаги депо ҳисоб варағидан ўзига тааллуқли қимматли қоғоз бўлмаган кўчирма олиш;

(в) Жамият фойдасининг бир қисмини 6. МОДДАГА мувофиқ эълон қилинадиган дивидендлар кўринишида олиш;

- (г) эгаллигидаги Акциялар миқдорига мутаносиб равишда, Жамият тугатилишида Жамият қарзлари ва мажбуриятлари бўйича кредиторлар талаблари қондирилгандан сўнг, қолган Жамият мол-мулкнинг қисмини талаб қилиш ва олиш;
- (д) Жамият бошқарувида қатнашиш, жумладан, Акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш;
- (е) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари ҳамда пул айланмалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни белгиланган тартибда олиш. Шунингдек, Жамият ва Акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги талабларини бузмаган ҳолда юқорида кўрсатилган ахборотлардан ташқари бошқа ахборотларни ҳам талаб қилиш ва олиш;
- (ж) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- (з) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида, уюшмаларга жамоат бирлашмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- (и) Акциядорлар Келишуви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда ва ушбу Уставнинг 7. МОДДАСИГА мувофиқ ўз Акцияларини сотиш ва бошқа йўллар билан ўтказиш;
- (к) Кузатув кенгаши аъзолигига ушбу Уставда кўрсатилган тартибда номзодлар кўрсатиш;
- (л) Жамиятнинг қўшимча чиқарадиган оддий акцияларини ўзига тегишли Акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш;
- (м) бошқа Акциядорлар томонидан сотилаётган Акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, ўзига тегишли Акцияларнинг сонига мутаносиб равишда имтиёзли тарзда сотиб олиш;
- (н) белгиланган тартибда ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилиш;
- (о) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда ва (ёки) олинмаган даромад эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш; ва
- (п) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида ва Акциядорлар Келишувида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

5.2 Қисм Мажбуриятлар.

Жамият Акциядорлари куйидаги мажбуриятларга эга:

- (а) Ушбу Устав ва Акциядорлар Умумий йиғилишининг тегишли қарори билан белгиланган тартиб, миқдор, усул ва шартларда Акциялар кийматини уз вақтида тулаш;
- (б) Мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан урнатилган тартибда Жамият бошқарувида иштирок этиш;
- (в) Жамият бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги талабларига биноан қабул қилган қарорларига риоя қилиш;
- (г) Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотларни ошкор қилмаслик;
- (д) Мазкур Устав, Акциядорлар Келишуви ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги талабларига сўзсиз риоя қилиш.
- (е) Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенини имзолаш;

(ж) ўз Акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Инвестиция воситачисини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш.

6. МОДДА ДИВИДЕНД ТЎЛАШ.

6.1 Қисм Дивиденд.

Жамият фаолияти натижасида олинган ва уни тасарруфида қолган соф фойда, тўлиқ ёки қисман Жамият Акциядорлари ўртасида дивидендлар шаклида тақсимланиши мумкин. Дивидендлар Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан ушбу Уставни 10. МОДДАСИ қоидаларига мувофиқ эълон қилинади ва Акциядорлар ўртасида уларга тегишли Акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.2 Қисм Дивиденд олиш ҳуқуқини бермайдиган Акциялар.

Жамият томонидан қайта сотиб олинган ёки қиймати тўлиқ тўланмаган Акциялар бўйича дивидендлар тўланмайди.

6.3 Қисм Дивиденд тўлаш муддатлари.

(а) Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

(б) Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси билан, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

(в) Молиявий йил натижаларига кўра дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор навбатдаги йиллик Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Молиявий йил натижалари бўйича дивидендлар тўлаш тартиби ва шартлари ушбу навбатдаги йиллик Акциядорлар Умумий йиғилишида белгиланади.

(г) Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин. Бундай дивидендларни тўлаш тартиби ва шартлари тегишли Акциядорлар Умумий йиғилишида белгиланади.

(д) Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги Акциядорлар Умумий йиғилишининг тегишли қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Бунда дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш (60) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.4 Қисм Дивиденд тўлаш тартиби.

(а) Акциядорлар Умумий йиғилиши Акциядорларга уларга тегишли Акциялар миқдorigа мутаносиб дивидендлар тўлашга руҳсат беради, шу шарт биланки Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

(б) Қуйидаги ҳолатларда Жамият Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

- і. Дивидендлар тўлаш пайтида Жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари мавжуд бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлиши мумкин бўлса; ёки

- ii. Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва Захира фонди суммасидан кам бўлса,
- (в) Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган Акциядорнинг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендлар эркин айирбошланадиган валютада, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган Акциядорларга эса Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан рухсат этилган ҳар қандай валютада туланади. Дивиденд Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида аниқ талаб этилган ҳоллардан ташқари, тўланмаган дивидендлар юзасидан ҳеч қандай фоиз ҳисобланмайди ва тўланмайди.

7. МОДДА АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ, СОТИШ ВА ЧЕКЛОВЛАР

7.1 Қисм Акцияларни жойлаштириш тартиби.

- (а) Жамият чиқараётган Акцияларни ёпиқ обуна усулида жойлаштиради. Жамият очик обуна усулида акцияларни жойлаштиришга ёки уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас.
- (б) Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.
- (в) Жамиятнинг Акцияларига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, технологик асбоб ускуналар, технологиялар шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.
- (г) Акциядорлар Жамият томонидан қўшимча чиқарилган акцияларни жойлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида кўрсатилган муддатлар ичида уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Бундай имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, Акциядорлар узига тегишли бўлган Акциялар сонига мутаносиб равишда жойлаштирилаётган акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

7.2 Қисм Акцияларни сотиш.

- (а) Жамият Акциядорлари, узига тегишли Акцияларнинг сонига мутаносиб равишда, Жамиятнинг бошқа Акциядорлари сотаётган Акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядорлар ушбу имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган тақдирда, Жамият Акциядор томонидан сотилаётган Акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.
- (б) Агар Акциядор ("Сотувчи") ўзига тегишли Жамият Акцияларини барчасини ёки бир қисмини сотишни истаса ("Сотув"), бундай акциялар ("Таклиф қилинган Акциялар") биринчи навбатда бошқа Акциядорларга таклиф қилинади ("Олувчилар"). Таклиф қилинган Акциялар Олувчиларга сотиш таклифи қилинган вақтда уларнинг Жамият Устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда (Сотувчининг Устав фондидаги улушини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланади) таклиф қилинади. Бошқа Акциядорларга қилинган таклифнинг нархи ва шартлари бир хил бўлиши лозим. Таклиф қилинган Акцияларни сотиш таклифлари бундай таклифлар қилинган кундан бошлаб ўттиз (30) кун ичида кучида бўлиши (очик қолиши) керак.
- (в) Агар Олувчилардан биронтаси бундай таклифни тўлиқ ёки қисман рад этса ("Рад этган Олувчи"), Сотувчи олинмаган Акцияларни қолган Олувчиларга уларнинг Жамият Устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда (Сотувчининг ҳамда ҳар қандай Рад этган Олувчиларнинг Устав фондидаги улушларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланади) таклиф қилади. Агар бундай таклиф яна рад этилса ёки 7.2 Қисмнинг (б) бандида кўрсатилган муддат тугагач, Таклиф қилинган

Акциялар (ёки уларнинг қисми) бошқа Акциядорлар томонидан сотиб олинмаса ("Олинмаган Акциялар"), Сотувчи Олинмаган акцияларни Жамиятга таклиф қилади ва бундай таклиф ўттиз (30) кунни давомида қучида бўлиши (очик қолиши) керак.

(г) Агар Жамият 7.2 Қисмнинг (в) бандида кўрстилган муддат ичида Олинмаган Акцияларни олиш истагини билдирмаса, Сотувчи ушбу Олинмаган Акцияларни ҳар қандай бошқа шахсга бундай Акциялар аввал Олувчиларга ва Жамиятга таклиф қилинган нарх ва шартлар асосида сотиши мумкин.

(д) Агар Таклиф қилинган Акциялар ҳеч қандай учинчи шахс томонидан Олувчиларга ва Жамиятга таклиф қилинган нарх ва шартлар асосида олинмаса, Сотувчи бундай Акциялар нархини ва сотиш шартларини 7.2 Қисмнинг (б) ва (в) бандларида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда ўзгартириши мумкин.

7.3 Қисм Чекловлар.

Ҳеч бир Акциядор бошқа Акциядорларнинг барчасини олдиндан берган ёзма розилигисиз Акциялардаги ҳуқуқий ёки фойдали улушини гаровга қўйиш, ипотекага бериш, ишончли бошқарувга топшириш, ўтказиш йўли билан ёки бошқа ҳаракатлар билан мажбуриятни таъминлай олмайди ("Мажбуриятларни таъминлаш").

7.4 Қисм Кириш ҳужжатлари.

Агар қабул қилаётган шахс Акцияларни сотаётган ёки Мажбуриятни таъминлаётган Акциядорнинг ушбу Устав ва Акциядорлар Келишувида белгиланган мажбуриятларига риоя қилиш ва уларни бажаришга ўз розилигини билидириш учун қолган Акциядорларга маъқул шаклда ва улар фойдасига тегишли ҳужжатларни имзоламас экан, ҳеч бир Сотув ёки Мажбуриятни таъминлаш ҳақиқий ҳисобланмайди ва юридик кучга эга бўлмайди.

7.5 Қисм Ҳуқуқларни ўтказиш.

Агар Акциядорлардан бири ўзига тегишли барча Акцияларга нисбатан мулк ҳуқуқини ушбу 7. МОДДАГА мувофиқ Сотиш йўли билан бошқа шахсга ўтказса, бундай шахс ўтказётган Акциядорнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, Кузатув кенгаши аъзолигига ва Тафтишчи лавозимига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини ҳамда ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ берилган ҳуқуқларини олади.

8. МОДДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

8.1 Қисм Ҳисобот тамойиллари.

Жамият Умум қабул қилинган ҳисобот тамойиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ равишда ўз ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ва Еврода ёхуд Акциядорларга қулай исталган бошқа валютада олиб боради.

8.2 Қисм Молиявий маълумотлар ва аудитор текширувлари.

Жамиятга тегишли Билдириш юбориш шарти билан, ҳар бир Акциядор Жамият фаолиятининг барча йўналишлари, молиявий операциялари, ҳисоботлари, бюджети ва балансига тааллуқли бўлган маълумотлар билан тўсиксиз танишиш ва олиш ҳуқуқига эгадир, бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек Жамият Бошқарув раисининг буйруқлари ва Жамият акциядорларининг реестри бундан мустасно. Жамият Кузатув Кенгаши ва Тафтишчи юқорида санаб ўтилган маълумотларни Акциядорларга етказиш учун жавобгар бўлади. Ҳар бир Акциядор ўз ҳисобига, бошқа Акциядорларга етти (7) кун аввал ёзма Билдириш йўллаш шарти билан, Жамият фаолиятини ўзи тайинлаган мустақил профессионал аудитор томонидан ташаббускорлик аудиторлик текширувини ўтказдириш ҳуқуқига эга.

8.3 Қисм Йиллик ҳисобот, Молиявий режа ва Бизнес режа.

(а) Жамият қуйдагиларни тайёрлайди:

- ҳар йилнинг 15 февралигача ўз молиявий фаолияти юзасидан ҳисоб-китоб балансини, нақд пул айланмаси тўғрисида ҳисоботни ҳамда фойда ва зарарлар ҳисобини ўз ичига олган йиллик ҳисоботни ("Йиллик ҳисобот").
- ҳар йилнинг 01 ноябрга қадар Жамиятнинг келгуси Молиявий йили учун ойма-ой бўлинган Жамиятнинг молиявий режаси (жумладан кутилаётган киримлар асосий моддаларини ҳамда капитал харажатларни уз ичига олган) лойиҳасини ҳамда Жамиятнинг келгуси Молиявий йил якунида кутилаётган аҳволи кўрсатилган баланси билан биргаликда келтирилган пул ҳаракати башпорати («Молиявий режа»)
- ҳар йилнинг 01 декабрига қадар келгуси йил ва беш йиллик Жамиятнинг ривожланиш ва хужалик фаолиятини юритиш режасининг лойиҳаси, жумладан бозор ва унинг йуналишининг шарҳи, утган уч йиллик даврнинг молиявий кўрсаткичларини кузатиш, бухгалтерлига баланси, нақд пул айланмаси тўғрисида ҳисобот ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисида йиллик ва беш йиллик ҳисоботи, маркетинг стратегиясининг самарадорлиги ва нархларни шакллантириш таҳлили, моддий-техник базанинг ҳолатини ёритиш, харидлар ва сотувлар масалаласини рентабиллигини ва самарадорлигини ошириш буйича таклифлар, Жамиятнинг фаолиятинини кенгайтириш ва равожлантириш буйича таклифлар, ходимларнинг малакасининг таҳлили («Бизнес режа»)
- Ҳар бир чорак тугаши билан ўттиз (30) кун ичида Жамият молиявий фаолияти юзасидан чорак ҳисоботлар Кузатув Кенгаши куриб чиқиши учун тақдим этилади ("Чорак ҳисоботлари"). бундай ҳисоботлар Умум қабул қилинган ҳисобот тамойилларига мувофиқ тайёрланган батафсил фойда ва зарарлар ҳисоби, ҳисоб-китоб баланси ва пул айланмаси тўғрисида ҳисоботни, харид, сотув ва бошқа даромадлар таҳлили, шунингдек, тегишли чорак учун капитал бюджетни, ва (агар Кузатув Кенгаши томонидан талаб қилинса) бундай чоракда ишлатиладиган маблағлар манбаи ҳамда қўлланилиши тўғрисида ҳисоботни ўз ичига олади. Чорак ҳисоботи Тафтишчи томонидан кўриб чиқилади.

(б) Чорак ҳисоботлар, Бизнес режа, Молиявий режа ҳамда Йиллик ҳисобот Бошқарув томонидан Бошқарув Раиси бошчилигида тайёрланади, Тафтишчи томонидан батафсил текширилиб, тасдиқланади ва Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Йиллик ҳисобот ва Бизнес режа Акциядорлар Умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

8.4 Қисм Мустақил аудиторлар.

(а) Акциядорлар Умумий йиғилиши тасдиқлаши шарти билан, Жамият ўз ҳисобига Йиллик якуний ҳисоботда берилган молиявий ва ҳисоб-китоб маълумотлари ҳамда хулосаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун халқаро даражада тан олинган бухгалтерлик (аудиторлик) ташкилотини мустақил аудитор сифатида ёллади.

(б) Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

(в) Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

8.5 Қисм Молиявий йил.

Жамиятнинг молиявий йили 1 январдан 31 декабргача бўлган календар йили ҳисобланади ("Молиявий йил").

8.6 Қисм Тил.

(а) Жамият эҳтиёжи учун тайёрланадиган барча ҳисобот маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги талаби ва Акциядорлар эҳтиёжи талабидан келиб чиқиб рус тилида, ҳамда ўзбек ва инглиз тилларида тайёрланади.

(б) Агар бирон-бир ҳисобот, кундалик ҳужжатлар ёки бошқа ёзувлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида ва/ёки ушбу Уставда кўрсатилган тиллардан бошқа тилда тайёрланган бўлса, Жамият бундай ҳисоботларни, кундалик ҳужжатларни ва бошқа ёзувларни етти кун ичида тўғри таржима қилинишини таъминлаши ва бундай таржималарни асл нусхалар билан биргаликда белгиланган муддат давомида сақлаши лозим.

9. МОДДА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ

9.1 Қисм Бошқарув оргалари.

Жамият бошқаруви куйидаги органлар оркали амалга оширилади:

(а) 10.8 Қисмда кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал қилишга масъул ва Жамиятнинг энг олий бошқарув органи ҳисобланган Жамият Акциядорлар Умумий йиғилиши ("Акциядорлар Умумий йиғилиши").

(б) 11.8 Қисмда кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал қилишга масъул ва Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи органи ҳисобланган Жамият Кузатув Кенгаши ("Кузатув кенгаши").

(в) Акциядорлар Умумий йиғилиши ҳамда Кузатув Кенгашига ҳисобдор ва Жамиятнинг кундалик фаолиятига оператив раҳбарликни амалга оширувчи коллегиал ижроия органи ҳисобланган Бошқарув ("Бошқарув").

10. МОДДА АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.

10.1 Қисм Навбатдаги (йиллик) ва навбатдан ташқари йиғилишлар.

Акциядорлар Умумий йиғилиши Кузатув кенгаши қарорига асосан ушбу Устав ҳамда Акциядорлар Умумий йиғилишида қабул қилинган Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш тартибига мувофиқ ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ҳар Молиявий йил якунланганидан сунг олти (6) ойдан кечиктирилмаган ҳолда ўтказилиши керак. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишида Йиллик якуний ҳисобот, фойда ва зарарларни тақсимлаш, Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва Тафтишчисини сайлаш ҳамда Акциядорлар Умумий йиғилиши ваколатига кирадиган бошқа масалалар муҳокама қилинади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтишчининг 13.5 Қисмга мувофиқ йўлланган ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият Акцияларининг камида беш фоизига (5%) эгаллик қилувчи Акциядорнинг (Акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади. Акциядор(лар) ёки Тафтишчидан шундай талаб тушганидан сунг ўн (10) кун ичида Кузатув кенгаши раиси Акциядорларга йиғилиш ўтказилиши ҳамда йиғилишнинг ўтказилиш жойи, куни ва соати белгиланган Билдиришни йўллайди.

10.2 Қисм Билдириш. Кун тартиби.

(а) Акциядорларнинг Умумий йиғилишлари бундай йиғилиш ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 кундан кам ва 30 кундан кўп бўлмаган муддатда ўтказилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Акциядорлар Умумий йиғилиши куни шундай белгиланиши керакки, зарурят бўлганда вақтида виза олиш ва йиғилиш ўтказиладиган жойга етиб келиш учун етарли вақт берилиши лозим. Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин ахборотни матбуотда ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш ҳамда Акциядорларнинг электрон почтасига Билдириш юбориш орқали амалга оширилади. Акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисидаги ҳар бир Билдиришда бундай йиғилишда кўриб чиқиладиган ва овозга қўйиладиган масалалар, Акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказиладиган жой, кун ва соат, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан талаб этилган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

(б) Акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга (1%) эга бўлган Акциядорлар (Акциядор) Молия йили тугаган кундан узоғи билан олтмиш (60) кун ичида, Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Тафтишчиси ва Кузатув кенгашига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

(в) Агар Акциядорлар Умумий йиғилишининг ўтказилиши Акциядор ёки Тафтишчи томонидан талаб қилинган бўлса, бундай Акциядор ёки Тафтишчи Кузатув кенгаши раиси номига йўлланган талабнома билан биргаликда йиғилиш кун тартибига киритиладиган масалалар тўғрисида маълумоларни юбориши зарур. Акциядорлар Умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш, ёзма шаклда масалани сабаблари, масалани киритаётган Акциядорларнинг (Акциядорнинг) исми (номи) ва уларга тегишли Акцияларнинг тури ва сони кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

10.3 Қисм Кворум ва Акциядорларнинг иштироки.

(а) Агар Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи Акцияларининг жами эллик фоиздан (50%) кўпроқ овозига эга бўлган Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

(б) Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, Акциядорларнинг такрорий Умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий Умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда Акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи Акцияларининг жами қирқ фоиздан (40%) кўпроқ овозига эга бўлган Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг такрорий Умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

(в) Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган Акциядорлар эга бўлади.

(г) Акциядорларнинг Умумий йиғилишида Акциядор шахсан ёки ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида ҳаракат қилувчи узининг вакили ("Акциядор Вакили") орқали иштирок этади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортга оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг

раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади. Ишончнома уни берган Акциядор томонидан Жамиятга тегишли ёзма хабар бериш йули билан ҳар қандай вақтда бекор қилиниши мумкин.

10.4 Қисм Овоз бериш.

(а) Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш "Жамиятнинг овоз берувчи битта Акцияси - битта овоз" принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

(б) Умумий йиғилишида овоз бериш, шакли ва матни Жамиятнинг Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади, Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамият Кузатув Кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетенларининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги талабларига мос бўлиши лозим.

(в) Жамият Бошқарув Раиси, Кузатув Кенгаши раиси ва Тафтишчи Акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этишлари мумкин. Бирок, улар Акциядор вакили сифатида катнашмаётган бўлсалар, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

(г) Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш учун белгиланган вақтдан илгари Жамият жойлашган манзилда бошқача ёзма кўрсатмалар олинмаган бўлса, Акциядор Вакили томонидан тегишли равишда берилган овоз ишонувчининг бевақт ўлими, ночорлиги, тўлов қобилиятини йўқотиши ёки ақлдан озиши ёхуд овоз бериш ҳуқуқини берувчи Акцияларни бошқа бировга ўтказилиши каби ҳолатлардан қатъий назар кучга эга бўлади.

10.5 Қисм Йиғилиш Раиси. Баённома.

(а) Ҳар бир Акциядорлар Умумий йиғилишининг раиси этиб Кузатув кенгаши раиси тайинланади, ёки у иштирок этмаса, Акциядорларнинг кўпчилик овози билан тасдиқланган Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири йиғилиш раиси этиб тайинланади. Акциядорлар Умумий йиғилишининг раиси йиғилиш баённомасини олиб бориш ва қабул қилинган қарорларни ёзиб борилиши учун масъул ҳисобланади. Ҳар бир йиғилиш баённомаси Акциядорлар Умумий йиғилиши раиси, котиби ҳамда Акциядорлар ёки ишончномага асосан Акциядорлар вакиллари томонидан имзоланади.

(б) Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн (10) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Умумий йиғилиш баённомасида куйидагилар кўрсатилиши лозим:

- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Жамиятнинг овоз берувчи Акцияларига эгалик қилувчи Акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- Умумий йиғилишда иштирок этган Акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- Умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби.

(в) Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

10.6 Қисм Қарор қабул қилиш тартиби.

(а) Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари овоз бериш яқунлари бўйича қабул қилинади.

(б) 10.6 Қисм (в) бандида кўрсатилган масалалардан ташқари, Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари йиғилишда шахсан ёки вакили орқали қатнашаётган ва овоз бериш ҳуқуқига эга Акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

(в) 10.8 Қисмнинг (а), (б), (г), (о), (т), (у) бандларида айтиб ўтилган масалалар бўйича Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали қатнашаётган овоз бериш ҳуқуқига эга Акциядорлар тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

10.7 Қисм Санок комиссияси.

(а) Овозларни санаб чиқиш, Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиши учун Акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан Санок комиссияси тузилади.

(б) Санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади, бунда Санок комиссиясининг аъзолари сони уч кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

(в) Санок комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтишчи, Бошқарув Раиси ва Бошқарувнинг бошқа аъзолари, шу билан бирга ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

(г) Санок комиссияси ваколатларига қуйидагилар киради:

- Акциядорлар Умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлаш;
- Акциядорлар Умумий йиғилишида Акциядорлар (ҳамда уларнинг вакиллари) томонидан овоз бериш ҳуқуқларини рўёбга чиқариши муносабати билан юзага келадиган масалалар хусусида тушунтиришлар бериш;
- овоз беришга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтириш;
- овоз беришнинг белгиланган тартибига риоя қилинишни ва Акциядорлар томонидан овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш;
- берилган овозларни санаб ва овоз бериш якунини чиқариш;
- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузиш ва овоз бериш бюллетенларини архивга топшириш.

10.8 Қисм Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, ушбу Устав, жумладан 10.9 Қисм талабини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги масалалар Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради:

(а) Уставга киритилган ўзгартиришларни ёки ўзгартирилган ва янги таҳрирда қабул қилинган Уставни тасдиқлаш;

(б) Жамиятни қайта ташкил этиш, тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш, унинг ваколатлари ва хизмат ҳақини миқдорини белгилаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

(в) Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркибини белгилаш, уларни тайинлаш ва ваколатини муддатдан аввал тугатиш, уларга тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

(г) эълон қилинган Акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

(д) Устав фондини кўпайтириш;

- (е) Устав фондини камайтириш;
- (ж) Жамият томонидан ўз Акцияларини олиш;
- (з) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- (и) Тафтишчини сайлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, унга тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари белгилаш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- (к) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигацияларни чиқариш ва уларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (л) Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (м) аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини тайинлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (н) Жамиятнинг Йиллик ҳисоботини, Бизнес режасини ва/ёки уларга ўзгартиришлар ва кушимчалар киритишни тасдиқлаш;
- (о) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтишчининг хулосаларини эшитиш;
- (п) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- (р) Акциядорлар Умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- (с) Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- (т) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида талаб қилинган ҳолларда аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (у) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида талаб қилинган ҳолларда Жамият томонидан мол-мулкни сотиб олинishi ҳамда тасарруфидан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш
- (ф) акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;
- (х) Кузатув кенгашининг тавсияси билан, Бошқарув Раисини тайнлаш, хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, ваколатлари муддатини узайтириш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- (ц) Жамият бошқарув органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- (ч) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;;
- (ш) ушбу Устав, Жамият ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида кўрсатилган бошқа масалалар.

10.9 Қисм Ҳуқуқларни ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида руҳсат этилган даражада, Акциядорлар Умумий йиғилиши тегишли қарор билан, ўзининг 10.8 (а), (д), (к), (ф) ва (ч) Қисмларда кўрсатилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш ваколатини Жамият Кузатув кенгашига ўтказиши мумкин. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ушбу 10.9 Қисмга мувофиқ қарор қабул қилиш ҳуқуқларини ўтказиши, Акциядорлар Умумий йиғилишининг тегишли қарори билан бекор қилиниши мумкин.

Бундай бекор қилиш ундан илгари шу тарзда ҳуқуқларни ўтказилиши асосида амалга оширилган ҳар қандай ҳаракатни ҳақиқийлигига таъсир кўрсатмайди.

11. МОДДА КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1 Қисм Навбатдаги (йиллик) ва навбатдан ташқари мажлислар.

(а) Кузатув Кенгашининг навбатдаги мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба тегишли чорак бошлангандан олтмиш (60) кун ичида Кузатув кенгаши раисининг чакирувига асосан ўтказилади.

(б) Кузатув Кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаши раисининг ташаббуси, ҳамда (i) Кузатув кенгашининг ҳар қандай аъзосининг; (ii) Тафтишчининг; (iii) ташқи аудиторнинг; (iv) ички аудит хизматининг; ва/ёки (v) Бошқарув Раисининг ёзма талабига асосан чакирилиши мумкин. Бундай шахслардан тушган Кузатув кенгаши мажлисини чакириш ҳақидаги талаб олинганидан сўнг, Кузатув кенгаши раиси 11.2 Қисмда кўрсатилган тартиб ва муддатлар ичида Кузатув кенгаши аъзоларига мажлис ўтказиш ҳақида Билдириш юборади.

11.2 Қисм Билдириш. Кун тартиби.

(а) Кузатув кенгашининг мажлиси, Кузатув кенгаши раиси томонидан, тегишли мажлис ўтказилишидан ўн (10) иш куни олдин, Кузатув кенгашининг барча аъзоларига Кузатув кенгаши ўтказилиши ҳақида мажлис жойи, куни ва вақти кўрсатилган Билдириш ("Билдириш") юбориш йўли билан чакирилади.

(б) Мажлислар Кузатув кенгаши аъзоларига йиғилиш тўғрисида Билдириш юборилган кундан кейин камида ўн (10) иш куни ўтиши билан ва йигирма (20) иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда ўтказилади, ва, ҳар қандай ҳолатда ҳам, вақтида виза олиш ва мажлис ўтказиладиган жойга етиб келиш учун етарли вақт бўлишини кўзда тутган ҳолда ўтказилиши лозим. Кузатув кенгаши йиғилиши тўғрисидаги ҳар бир Билдиришда бундай йиғилишда кўриб чиқилмаган ва овозга қўйилмаган масалалар акс эттирилиши лозим. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларига йиғилиш ўтказиладиган вақтдан камида саккиз (8) кун илгари тегишли хабарнома юбориш билан бундай йиғилиш кун тартибига қўшимча масалалар киритиши мумкин. Агар йиғилиш Кузатув кенгаши раисининг эмас, балки 11.1 Қисмнинг (б) бандида кўрсатилган шахсларнинг талаби билан ўтказиладиган бўлса, бундай шахс мажлис ўтказилишини талаб қилиш билан биргаликда Кузатув кенгаши раисини йиғилиш кун тартибига киритиладиган масала ёки масалалар билан таништириши лозим. Кузатув кенгаши аъзоси талаби билан, Кузатув кенгаши бир овоздан маъқуллаш йўли билан йиғилишда кун тартибига киритилмаган масалани кўриб чиқиши мумкин.

(в) Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси мажлис бошида, мажлис давомида ёки ундан кейин ёзма равишда воз кечиш ҳужжатини йўллаш билан мажлис ўтказиш ҳақидаги Билдиришдан воз кечиши мумкин. Мажлисда қатнашиш, агар мажлисни ташкил қилиш ва чакириш тартиби тўлақонли бажарилмаганлиги сабабли йиғилиш бошида ҳар қандай иш бўйича тузилган битимлар юзасидан эътироз билдириш мақсадида бўлмаган бўлса, йиғилиш тўғрисидаги Билдириш олишдан воз кечишликни билдиради.

11.3 Қисм Кворум ва аъзоларнинг мажлисда қатнашиши.

(а) Кузатув кенгашига сайланган (тайинланган) аъзоларнинг юз фоизи (100%) Кузатув кенгаши мажлисида қатнашаётган бўлса, кворум ташкил этилган ҳисобланади. Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби мазкур Уставда кўрсатилганидан кам бўлиб қолса, Жамият, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш (тайинлаш) учун навбатдан ташқари Акциядорлар Умумий йиғилишини чакириши лозим. Бунда Кузатув кенгашининг қолган аъзолари, фақат шундай

навбатдан ташқари Акциядорлар Умумий йиғилишини чақириш тутрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

(б) Кузатув кенгашининг аъзолари Кузатув кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этадилар.

11.4 Қисм Таркиби ва сайлаш.

(а) Жамият Кузатув кенгаши миқдор таркиби уч (3) аъзодан иборат бўлади. Кузатув кенгашига битта номзод Чет эллик Акциядор томонидан, иккинчи номзод Узбек Акциядорлар томонидан, учинчи номзод эса Акциядорларга боғлиқ (аффилиланган) бўлмаган шахслар ичидан барча Акциядорлар томонидан кўрсатади.

(б) Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар 11.4 Қисм (а) бандига мувофиқ кўрсатилиб, Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан сайланади ва Кузатув Кенгаши аъзоси сифатида бир (1) йил давомида хизмат қилади. Кузатув кенгаши аъзолари чексиз марта қайтадан тайинланиши мумкин. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир Акциядорга тегишли овозлар сони Жамият Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва Акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

(в) Бошқарув аъзолари, жумладан Бошқарув Раиси ва Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган бошқа шахслар Кузатув кенгаши аъзоси бўла олмайди.

(г) Ҳар қандай Акциядор, номзоди ушбу Акциядор томонидан кўрсатилган Кузатув кенгаши аъзосини, Кузатув кенгаши таркибидан четлатилишини талаб қилиши мумкин. Бунда, Кузатув кенгашининг келгуси мажлисидан аввал Акциядорлар бундай аъзони ваколатини муддатидан илгари тугатиш ва Кузатув кенгашининг янги аъзосини сайлаш тўғрисидаги масалани Акциядорлар Умумий йиғилишида овозга қўядилар. Агар Кузатув кенгаши таркибида бўш ўрин пайдо бўлса, бўшаган Кузатув кенгаши аъзоси номзодини курсатган Акциядор унинг ўрнига бошқа номзод кўрсатишга ҳақли, кейинчалик бундай номзод Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан Кузатув кенгаши таркибига сайланади.

11.5 Қисм Кузатув кенгаши раиси.

Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Кузатув кенгаши раиси иккинчи ёки ҳал қилувчи овозга эга бўлмайди. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, ушбу Уставда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, Акциядорларнинг Умумий йиғилишида раислик қилади.

11.6 Қисм Тўловлар.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қароридан белгиланади.

11.7 Қисм Овоз бериш ва қарор қабул қилиш тартиби.

(а) Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. 11.8 Қисмнинг (а), (б), (д), (е), (ж), (з), (и), (к), (л), (м), (н), (о), (р), (т), (т) ва (х) бандларида, шунингдек 10.9 Қисмда белгиланган ҳолларда 10.8

Қисмнинг (а) ва (д) бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади

(б) Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

(в) Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бундай овоз бериш почта, телеграф, ҳамда жунатилаётган ва қабул қилинаётган хабарларни айнанлигини ҳужжатлар билан тасдиқлаши имконини берувчи бошқа электрон алоқа воситалари орқали ҳужжатлар алмашуви йўли билан амалга оширилади.

(г) Сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш учун, Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига 11.2 Қисм билан кўрсатилган тартиб ва муддатларда Кузатув кенгаши томонидан куриб чиқилиши лозим бўлган масала батафсил баён этилган тегишли Билдириш юборилади.

(д) 11.8 Қисмнинг (к), (л), (м), (р), (т) ва (х) бандларида кўрсатилган масалалар юзасидан Кузатув кенгашининг қарорлари, сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш йўли билан қабул қилиниши мумкин эмас.

(е) Сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш йўли билан қабул қилинган Кузатув кенгашининг қарори, Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилингандагина ҳақиқий ҳисобланади.

11.8 Қисм Ваколатлар ва вазифалар.

Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига алоқадор бўлган барча масалаларни (Акциядорлар Умумий йиғилиши ваколатида бўлган ва 10.9 Қисмга мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатига ўтказилмаган масалалардан ташқари) назорат ва кузатиб бориш ҳуқуқига ва мажбуриятига эга бўлади, жумладан, чекланмаган ҳолда, вазиятга қараб қуйидаги масалаларни белгилаш, бажариш ва олиб бориш:

(а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

(б) ушбу Уставда ёки Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида бошқача белгиланган ҳолатлардан ташқари, Акциядорларнинг йиллик ҳамда навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш;

(в) Акциядорлар Умумий йиғилишларининг кун тартибини тайёрлаш;

(г) Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш. Шунингдек, Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият Акциядорларнинг Реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

(д) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан талаб қилинган ҳолатларда, Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

(е) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш шунингдек унинг фаолиятини тугатиш ;

(ж) Жамиятнинг Тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

(з) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

(и) Жамиятнинг Захира фонди ва ҳар қандай бошқа фондларининг тузилиши, мақсади, манбаси ва ишлатиш тартибларини, шунингдек, Захира фонди ва бошқа фондларга ўтказиладиган ҳар қандай чегирмалар ёхуд олинadиган маблағлар миқдорини, йўлини ва вақтини белгилаш;

(к) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- (л) Жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- (м) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида талаб қилинган ҳолларда Жамият томонидан мол-мулкни сотиб олиниши ҳамда тасарруфидан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (н) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан урнатилган тартибда, Жамиятни тижорат ва нотижорат ташкилотларида иштирок этиш билан боғлиқ битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (о) Жамиятнинг йиллик Бизнес режасини маъқуллаш. Бунда, Жамиятнинг келаси йил Бизнес режаси Кузатув кенгаши томонидан жорий Молиявий йилнинг 1 декабригача маъқуллаш лозим;
- (п) Санок комиссиясини ташкил этиш;
- (р) Жамият маҳсулотларини сотиш, бозорга чиқариш ҳамда товар ва хизматларни сотиб олиш сиёсати, режалари ва тартибларини белгилаш
- (с) Акциядорлар Умумий йиғилишига, мустақил аудиторлик ташкилотларига доир тавсиялар бериш;
- (т) Бошқарув аъзоларини (Бошқарув Раисидан ташқари), тайнлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- (у) Бошқарув Раисини тайинлаш, хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, ваколатлари муддатини узайтириш ёки ваколатларини муддатидан илгари тугатиш юзасидан Акциядорлар Умумий йиғилишига тавсиялар бериш;
- (ф) Бошқарув аъзолари хизматига тўланадиган ҳақ миқдори, тўлаш тартиби ва шартларини, белгилаш, Бошқарув Раисига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш бундан мустасно;
- (х) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- (ц) ушбу Устав, Жамият ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида кўрсатилган бошқа масалалар.
- (ч) Жамият манфаатларини химоя қилиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан судларга мурожаат қилиш ва даъво киритиш ҳақида қарор қабул қилиш;

11.9 Қисм Ҳуқуқларни ўтказиш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

11.10 Қисм Махсус комиссиялар.

Кузатув кенгаши бир овоздан қабул қилинган қарор асосида, Кузатув кенгаши кўрсатган махсус йўл-йўриқларга мувофиқ, маълум бир масалаларни ҳал қилиш ёки бошқа тадбирларни амалга ошириш учун махсус кўмиталар ва комиссиялар тузиш ҳуқуқига эгадир.

11.11 Қисм Ҳисоботлар.

Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси исталган ҳар қандай вақтда Бошқарувдан, Тафтишчидан Жамият фаолиятига тааллуқли бўлган ҳисоботларни, ҳужжатларни ёки маълумотларни талаб қилишга ҳақли. Олинган ҳисоботлар, ҳужжатлар ва маълумотлар Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан факат хизмат мақсадлари учун ишлатилиши мумкин.

12. МОДДА ИЖРОИЯ ОРГАН

12.1 Қисм Умумий қоидалар.

Жамият Бошқаруви Жамият Кузатув кенгаши ҳамда Акциядорлар Умумий йиғилиши қабул қилган қарорларни бажарилишини ташкил этади ҳамда Жамиятнинг кундалик фаолиятини жорий бошқаришда тўлиқ жавобгарликни олади. Бошқарув Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига ва ушбу Уставга тўлиқ риоя қилган ҳолда Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият Бошқаруви тугрисидаги низомга асосан ҳаракат қилади ҳамда Жамиятнинг фаолияти ва ишларини Кузатув кенгаши ва Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда вақти-вақти билан белгилаган тартиблар, кўрсатмалар, қарорлар ва/ёки йўл-йўриқларга мувофиқ тўлиқ бошқариш учун масъул. Бошқарувга Кузатув кенгаши тавсияси билан Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тайинланган Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади ("Бошқарув Раиси").

12.2 Қисм Таркиби, тайинлаш ва ваколатлар муддати.

(а) Жамият Бошқарувининг миқдор таркиби беш (3) аъзодан иборат бўлади. Бошқарув таркибини белгилаш, аъзоларини тайинлаш, қайта тайинлаш ва ваколатларини муддатдан аввал тугатиш Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги доирасида Жамият Бошқаруви тугрисидаги низомга ҳамда ушбу Уставга асосан амалга оширилади.

(б) Жамият Бошқаруви аъзолари, Бошқарув Раисидан ташқари, Кузатув кенгашининг бир овоздан қабул қилган қарори билан тайинланади. Бошқарув Раиси Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра Акциядорлар Умумий йиғилишининг 10. МОДДАГА асосан қабул қилган қарорига асосан тайинланади. Бошқарув аъзолари, шу жумладан Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси ёхуд Кузатув кенгаши томонидан ваколатланган бошқа шахс тузади.

(в) Бошқарув Раиси Акциядорлар Умумий йиғилишининг тегишли қарори билан, Бошқарувнинг бошқа аъзолари, эса Кузатув кенгашининг тегишли қарори билан ваколатлари муддатини узайтириш имкони билан бир (1) йил муддатга тайинланади.

(г) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги талабларига риоя этган ҳолда, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва/ёки Кузатув кенгаши мазкур Уставда белгиланган ваколатлари доирасида ҳар қандай исталган вақтда Бошқарув аъзоларининг, жумладан Бошқарув Раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бундай қарор Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлади.

12.3 Қисм Тўловлар.

Бошқарув аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Бошқарувнинг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши Акциядорлар Умумий йиғилишининг ва/ёки Жамият Кузатув кенгашининг мазкур Уставда белгиланган ваколатлари доирасида қабул қилган тегишли қарори билан белгиланади. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Акциядорлар Умумий йиғилишининг ва/ёки Кузатув кенгашининг қарорида белгиланади.

12.4 Қисм Бошқарув мажлислари.

(а) Бошқарувнинг мажлислари зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув мажлисларини ўтказиш Бошқарув Раиси томонидан Акциядорлар Умумий йиғилиши тасдиқлаган Бошқарув тугрисидаги низомга мувофиқ ташкил этилади.

(б) Жамият Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади ва Бошқарув Раиси томонидан имзоланади. Жамият Бошқаруви мажлисининг баённомаси Кузатув кенгашининг ва Тафтишчининг талабига кўра уларга берилади.

(в) Бошқарув мажлислари Бошқарув аъзоларининг талабига мувофиқ чакирилади ва ўтказилади. Бошқарув мажлисларини чакириш ва ўтказиш тартиби ва муддатлари Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Бошқарув туғрисидаги низомда белгиланади.

(г) Бошқарув аъзоларнинг камида олтимиш фоизи (60%) Бошқарув мажлисида қатнашаётган бўлса, кворум ташкил этилган ҳисобланади. Бошқарув аъзоларининг сони мазкур Уставда кўрсатилганидан кам бўлиб қолса, Кузатув кенгашининг раиси, Бошқарувнинг янги таркибини тайинлаш учун Кузатув кенгаши мажлисини чакириши лозим.

(д) Бошқарув мажлисида кун тартибидаги масалалар юзасидан қарорлар, мажлисда ҳозир бўлган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

12.5 Қисм Бошқарув Раиси, унинг ваколатлари ва мажбуриятлари.

(а) Бошқарув Раиси, Акциядорлар Умумий йиғилишининг 10.8 Қисмда кўрсатилган ваколатлари доирасида ва 10.6 Қисмда белгиланган тартибда қабул қилган қарори билан 12.2 Қисмнинг (в) бандида кўрсатилган муддатга тайинланади ва Акциядорлар Умумий йиғилиши тасдиқлаган Бошқарув туғрисидаги низомга мувофиқ ҳаракат қилади. Жамияти Бошқарув раисини тайинлаш туғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

(б) Бошқарув Раиси Бошқарув ишини ташкил этади, Бошқарув мажлисларини чакиради, уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил қилади ва бундай баённомаларни имзолайди.

(в) Бошқарув Раиси ўз ваколатлари доирасида Жамият номидан барча ҳужжатларни имзолайди, Жамиятнинг Бошқарув Раиси ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият қундалик фаолиятини олиб боради, Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, ишончномалар беради, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамият ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади, Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради, Жамият филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини тайинлайди, қундалик фаолият олиб бориш доирасида Бошқарув ишларини, Бошқарув аъзоларининг хизмат вазифаларини ва Жамиятнинг вазифларини ва ишларини ташкиллаштиради, Жамият қундалик фаолиятига тааллуқли бўлган барча масалалар юзасидан ҳар қандай учинчи шахслар, жумладан давлат органлири билан бўладиган муносабатларда Жамият номидан иш юритади.

(г) Бошқарув Раиси Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларини бажарилиши ҳамда Жамият қундалик фаолияти учун керакли бўлган ҳар қандай шартнома ва битимларни (жумладан меҳнат шартномаларини) Жамият номидан тузади ва имзолайди.

(д) Бошқарув Раиси Жамият фаолиятига тааллуқли бўлган барча тегишли маълумотларни Кузатув кенгашига Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида ва Уставда белгиланган тартибда тақдим этади.

12.6 Қисм Бошқарув ишини ташкил этиш, ваколатлари ва вазифалари.

Кузатув кенгаши ёки Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган бошқа ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва вазифалардан ташқари, Бошқарув қуйидаги масалаларни ҳал этишда махсус ваколат ва вазифаларга эга:

- (а) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгаши қарорларининг амалий бажарилишини ташкил этиш;
- (б) Бошқарувнинг ҳар ойлик мажлисларини ўтказиш ва Кузатув кенгашига бундай мажлисларнинг тегишли баённомаларини тақдим этиш, Жамиятнинг жорий фаолиятини оператив бошқариш, бухгалтерия, кадрлар, хизмат ва бошқа ҳужжатларни юритиш. Мазкур Уставнинг 8.3 Қисмига асосан ўрнатилган муддатларда ҳисоботларни тузиш, тайерлаш ва тақдим этиш.
- (в) Жамият ҳудуди ва мулкнинг муҳофазасини ташкил этиш, жумладан муҳандислик тармоқлар, бино-иншоотлар, қурилмалар, йўллар ва бошқа умумий фойдаланишда бўлган объектларни ўз вақтида таъмирланишини, қурилишини, сақланишини ташкил этиш ва суғурталашни таъминлаш,
- (г) Иш юритишни таъминлаш, архивни сақлаш, меҳнат шартномаларига асосан ишчиларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш, уларга нисбата интизомий чоралар куриш ва ишчиларни ҳисобини юритиш;
- (д) Мазкур Устав билан урнатилган тартибда тасдиқланган Бизнес режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- (е) тасдиқланган Бизнес режага асосан, баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигачасини ташкил этувчи Жамият томонидан уз ҳисобидан мол-мулк хусусида битим тузиш;
- (ж) Жамиятнинг кундалик (одатий) фаолиятдан ташқари Жамият активларини сотиш ёхуд сотиб олиш билан боғлиқ битимлар тузиш масаласини Кузатув кенгашига маъқуллаш учун киритиш, мазкур Устав ёки Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига асосан бундай битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно;
- (з) Жамият ишчиларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- (и) фавқулодда ҳодиса юз берганда, ишчилар ҳаётини, соғлигини Жамият мулкни ҳимоя қилиш учун, ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига риоя қилиш учун Бошқарув лозим деб топган ҳар қандай оқилона ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда Жамият назорат қила олмайдиган тасодифий ҳодисаларни бартараф қилиш учун маълум даражада сарф-ҳаражатлар қилиш, Бошқарув ўзининг тегишли равишда бажариши лозим бўлган вазифаларини бузиши оқибатида юз берган тасодифий ҳодисалар бундан мустасно;
- (к) Жамият фаолиятига оид маълумотларни ўз вақтида тақдим этилишини, ҳамда Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини таъминлаш;
- (л) Жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан судларга мурожаат қилиш ва даъво киритиш ҳақида қарорларни Кузатув кенгашига маъқуллаш учун тақдим қилиш;
- (м) Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколитга кирмаган, Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари (техник тартиб қодалар, услубиятлар, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва бошқалар)ни тасдиқлаш.
- (н) Ушбу Устав, Жамият ички ҳужжатлари, Кузатув кенгаши ва Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида бошқа масалаларни куриб чиқиш ва ҳал қилиш.

13. МОДДА ТАФТИШЧИ

13.1 Қисм Умумий қоидалар.

- (а) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун 10.8 Қисм (и) бандига мувофиқ Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга Тафтишчи ("Тафтишчи") сайланади. Жамият Тафтишчиси бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.
- (б) Жамият Тафтишчисининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

13.2 Қисм Ваколатлар ва вазифалар.

- (а) Жамият Тафтишчисининг ваколоти доирасига қўйидагилар киради:
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича, ўзининг (Тафтишчининг), Акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Жамият овоз берувчи Акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи Акциядорнинг (Акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;
 - Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;
 - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва мазкур Уставга мувофиқ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;
 - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва мазкур Уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;
- (б) Тафтишчи, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, мазкур Устав ва "Тафтишчи тўғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.3 Қисм Аудит.

- (а) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамият Тафтишчиси Кузатув кенгашига Жамият йиллик баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказишни тавсия қилишга ҳақли.

13.4 Қисм Ҳисобот ва хулосалар.

- (а) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамият Тафтишчиси хулоса тузади, бу хулосада:
- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
 - бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.
- (б) Тафтишчи Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. 13.4 Қисм (а) бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

13.5 Қисм Акциядорлар Умумий йиғилишини чақириш.

Тафтишчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва мазкур Уставда кўрсатилган ҳолатларда, ҳамда Жамият манфаатлари хавф остида қолган бўлса ёки Жамият мансабдор шахслари ўз лавозимларини суистеъмол қилишлари фош этилган ҳолларда Акциядорлар Умумий йиғилишини чақиришга ҳақли.

13.6 Қисм Ҳақ тўлаш.

Тафтишчига тўланадиган ҳақ миқдори Акциядорлар Умумий йиғилишида ҳар йили белгиланади.

14. МОДДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ.

14.1 Қисм Умумий қоидалар.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги талабларига кўра Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган Ички Аудит хизмати ташкил этилиши мумкин. Ички Аудит хизмати ўз фаолиятини Жамиятнинг ички маъмурий ва меъёрий ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги асосида амалга оширади.

14.2 Қисм Ваколатлар ва вазифалар.

Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

15. МОДДА ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

15.1 Қисм Қайта ташкил этиш.

(а) Жамиятни қайта ташкил этиш Акциядорлар Умумий йиғилиши ёки ваколатли давлат органининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

(б) Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолатлари бундан мустасно.

(в) Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (Жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

(г) Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз (30) кундан кечиктирмай Жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

(д) Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган Жамиятнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар жавобгар бўлади.

15.2 Қисм Жамиятни тугатиш.

(а) Жамият куйидаги ҳолатларда тугатилади:

- ўрнатилган тартибда ўтказилган Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга Акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига асосан;

- тегишли суд қарори билан; ёки

- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

(б) Жамият фаолияти тўхтатилса ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинса, Акциядорлар Умумий йиғилиши ёки бошқа Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига асосан ваколатланган орган тугатиш комиссиясини ёки тугатувчини тайинлайди ("Тугатиш комиссияси"). Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

(в) Тугатиш комиссияси Жамиятнинг барча активлари ва мулкани баҳолайди, тугатиш тўғрисида хабар эълон қилади, Жамиятнинг кредиторлари ва дебиторлари билан ҳисоб-китоб қилади, Жамият қарзларини узиш учун тегишли чоралар кўради, оралик ва якуний тугатиш балансларини тузади ва бундай балансларни Акциядорлар Умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этади, агар тугатиш суд қарори билан амалга оширилган бўлса, балансларни шундай судга тақдим этади. Жамият мулки ва активлари уларнинг ўртача амортизациясини ва эскиришини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

(г) Агар Жамият активлари кредиторлар олдидаги мажбуриятларни барчасини бажаришга етарли бўлмаса, Жамият активлари Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ Жамият кредиторлари ўртасида уларнинг даъволари қийматиغا мутаносиб равишда тақсимланади.

(д) Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиниб, Жамиятни тугатиш жараёнида қилинган сарф-ҳаражатлар тўланганидан сўнг қолган мулк ва пул маблағлари Тугатиш комиссияси томонидан Акциядорлар ўртасида уларнинг Устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

(е) Рўйхатдан ўтказувчи орган, юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

15.3 Қисм Устав ва ҳуқуқлар.

Жамият қайта ташкил этилганидан ёхуд тугатилганидан сўнг ушбу Устав ўз кучини йўқотади ва Акциядорлар томонидан Жамиятга берилган барча ҳуқуқлар ҳамда Акциядорларнинг ушбу Уставга мувофиқ Жамият олдидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (Жамиятни ёпиш ва тугатиш, шунингдек, соф активларни Акциядорларга тарқатишга тааллуқли бўлган мажбуриятлар бундан мустасно) кучини йўқотади.

16. МОДДА БОШҚА ҚОИДАЛАР.

16.1 Қисм Бўлинувчанлик.

Ушбу Уставнинг ҳар бир қоидаси унинг бошқа қоидаларидан алоҳида бўлади ва улардан бири ёки бир нечтасининг ўз кучини йўқотиши ёки мажбурий амалга оширилмаслиги ушбу Уставнинг қолган қоидаларининг ҳақиқийлигига ёки мажбурий амалга оширилишига таъсир кўрсатмайди.

16.2 Қисм Тил.

Ушбу Устав ўзбек, рус ва инглиз тилларида тасдиқланади ва имзоланади. Бунда давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзбек тилида тасдиқланган ва имзоланган Устав тақдим этилади.

Ушбу Устав Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 2015 йил 18 декабрда тасдиқланган.

Бошқарув Раиси

Касф.

У.Т.Касымходжаев

Касымходжаев Умрбек Тимурович

Республика Узбекистан, город Ташкент,
пятнадцатого января две тысячи шестнадцатого года

Я, ЯНКО ЛАДА РУДОЛЬФОВНА, нотариус Государственной нотариальной конторы №8 Яшнабадского района города Ташкента, расположенной по адресу: город Ташкент, Яшнабадский (ранее Хамзинский) район, улица Боткина, дом 8а, квартира 41, свидетельствую подлинность подписи КАСИМХОДЖАЕВА УЛУГБЕКА ТИМУРОВИЧА (KASIMXODJAYEV ULUGBEK TIMUROVICH), которая сделана в моём, нотариуса, присутствии.

Личность его установлена, дееспособность проверена. При личной беседе сомнений по поводу его дееспособности не возникло, в государственной нотариальной конторе сведений о его недееспособности в момент подписания этого документа не имеется.

Правоспособность СП АО «SEAL MAG» и полномочия его представителя проверены.

В соответствии со ст.67 Закона о нотариате, нотариус, совершающий нотариальные действия не удостоверяет фактов, изложенных в документе, а лишь подтверждает, что подпись сделана определенным лицом.

Зарегистрировано в реестре за № 85
Взыскано государственной пошлины: 13024 сум 00 тийин (тринадцать тысяч двадцать четыре сум 00 тийин) и правового и технического характера шесть тысяч пятьсот двенадцать сум 00 тийин.
Нотариус



Handwritten signature of Lada Rudolfovna Yanok



Handwritten signature and date: 15.01.2016

Vertical handwritten text: Итого за 2016 год...